

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

237 Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2454*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъерий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 1 апрель,
20-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2013 йил 1 апрелдаги
20-Б сон буйруғига
ИЛОВА

Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ҳамда 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларининг ўқувчи-талабаларини ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида амалиётларни ўтказиш билан шуғулланувчи таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар ўқувчи-талабаларнинг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида амалиётларни ўтказиш билан шуғулланувчи барча таълим муассасаларига (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича хавфсизликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II боб. Хавфсизликка қўйиладиган умумий талаблар**1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш**

5. Таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Таълим муассасаларида қуйидаги асосий хужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ходимлар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ходимларга ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-номалари.

7. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган таълим муассасаларида махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган таълим муассасаларида эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра таълим муассасасининг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунди ҳамда таълим муассасасининг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

10. Таълим муассасаларида меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил

6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни ташкил этиш

11. Таълим муассасаси ходимлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, уларнинг билимлари синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқлар берилиши керак.

12. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

13. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда таълим муассасаси ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш таълим муассасаси раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Амалиёт даврида ўқувчи-талабаларнинг меҳнатини ташкил этиш

14. Ўқувчи-талабалар меҳнатидан фойдаланилганда уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи меҳнат шароити бўлган ишларга жалб қилиш тақиқланади.

15. Ўқувчи-талабаларни иш вақтидан ташқари ҳамда тунги ишларга жалб қилиш тақиқланади.

16. Таълим муассасаларидаги ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник ва техника хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган устахоналарида олиб борилиши лозим.

17. Ўқувчи-талабаларнинг иш жойлари зарарли факторлардан ажратилган ҳолда ташкил қилиниши керак.

18. Юкларни ташиш билан боғлиқ ишлар Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида низомга (рўйхат рақами 1954, 2009 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 242-модда) мувофиқ олиб борилиши керак.

19. Ўқувчи-талабаларнинг жароҳатланишларини олдини олиш мақсадида ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари меҳнат ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқ ташкил қилинган бўлиши лозим.

20. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида, лабораторияларда, иссиқлик, чанг, кимёвий моддалар таъсири кучли бўлган (чархловчи, ўювчи, силлиқловчи, электропайванд ишлари ва бошқалар) жойларда СанҚваМ 0145-03 «Академик лицей ва касб-хунар коллежларини жойлашуви, тузилиши ва ўқиш жараёнини ташкиллаштиришга оид санитария қоидалар» талабларига асосан ҳаво алмашилиши билан таъминланган бўлиши керак.

21. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида қўлларни ювиш учун иссиқ ва совуқ сув, совун, махсус эритмалар ҳамда қўлларини қуритиши учун сочиқ ёки электр қуритгич бўлиши лозим.

4-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

22. Таълим муассасалари ГОСТ 17.2.3.02 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари, саломатлик учун хавфлилик даражаси ҳамда келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

23. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ҳамда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроклим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнат шароитларини аттестация қилиш орқали белгиланиши лозим.

24. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгарганда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотларга таълим муассасаси раҳбари томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

5-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати

25. Таълим муассасаси ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

26. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топширигини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

27. Ўта хавфли ишларни бажариш фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

28. Таълим муассасаси раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва хавфсиз бажариш белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига жавобгардир.

6-§. Жамоавий ва якка тартибдаги химоя воситаларини қўллаш

29. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан химоя қилиш жамоавий ва якка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

30. Жамоавий химоя воситаларига қўйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини меъёрлаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғликдан химоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқиндан, тебранишдан, электр ва статик тоқлар уришидан ҳамда ускуналар юзасини юқори даражадаги ҳароратдан химоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан химоя қилиш воситалари.

31. Жамоавий химоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари барча ходимларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва таълим муассасасини қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

32. Жамоавий химоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда якка тартибдаги химоя воситалари қўлланилиши лозим. Бундай ҳолларда якка тартибдаги химоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

33. Якка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларнинг қўлланилиши, химоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

34. Таълим муассасасида қўйидагилар таъминланиши шарт:

якка тартибдаги химоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатураси;

химоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назорат амалга оширилиши;

химоя воситаларининг самарадорлиги ва созлиги текширилиши;

хавфли ва захарли моддалар билан ишлашда фойдаланилган якка тартибдаги химоя воситаларининг дезинфекция қилиниши (бир марта қўлланиладиган химоя воситалари бундан мустасно).

35. Турли агрессив моддалар билан ишлаётганда тери касалликларини олдини олиш учун профилактик паста ва мазлардан фойдаланиш лозим.

36. Ходимлар махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситалари билан белгиланган тартибда бепул таъминланиши лозим.

7-§. Касбий танлов

37. Таълим муассасаларида танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

38. Ўқитувчилар, таълим муассасаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

39. Босим остида ишловчи асбоб-ускуналарда, шунингдек хавфи юқори бўлган ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

40. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

41. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

8-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

42. Таълим муассасаларида ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 35-сон, 407-модда) асосида амалга оширилиши лозим.

43. Таълим муассасаси раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим.

44. Тиббий кўриқлар таълим муассасасининг тиббий муассасаларида, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилиши лозим.

45. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий кўриқ натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда ушбу ходим ишга қўйилиши мумкин эмас.

46. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик таълим муассасаси раҳбарияти зиммасига юкланади.

47. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

9-§. Санитария ва гигиенага қўйиладиган талаблар

48. Таълим муассасасининг ҳудуди ва иш хоналарининг ҳарорати, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари» га мувофиқ бўлиши керак.

49. Таълим муассасасининг ишлаб чиқариш хоналари қўйидаги санитария қоидаларига мувофиқ сақланиши лозим:

хоналарнинг ҳарорати, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси, йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш. Лойиҳалаштириш меъёрлари»га мувофиқ бўлиши ҳамда меҳнат шароитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши;

хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга бўлиши, шунингдек синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши.

50. Ноқулай омиллар таъсирига қарши химоя тадбирларини тузишда самарали ҳаво алмашинуви тизимини ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабларига мувофиқ ташкил қилиш лозим.

51. Ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарини гигиеник жиҳатдан тоза сақлаш ва ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

10-§. Таълим муассасаси майдонларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

52. Таълим муассасаси майдонлари ва биноларининг жойлашуви ҚМҚ II 89-80 «Саноат ташкилотларининг бош плани» талабларига мос бўлиши керак.

53. Таълим муассасаси майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоғи билан таъминланган бўлиши лозим.

54. Таълим муассасаси майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

55. Ёз мавсумида йўлаклар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши лозим.

56. Қишки мавсумда биноларнинг томлари қордан, карнизлари музлардан тозалаб турилиши зарур.

57. Таълим муассасаси ҳудудида ҳар куни тозалаб ва дезинфекция қилиб туриладиган ахлат ташланадиган идишлар бўлиши шарт.

58. Ҳовлидаги ҳожатхоналар озода сақланиши, мунтазам дезинфекция қилиниши, сутканинг қоронғи пайтида эса ёритилиши керак.

59. Таълим муассасаси жойлашган майдон бутун чегара бўйлаб тўсилган бўлиши, унинг худудига бегоналарнинг кириши чекланган ва назорат остига олинган бўлиши лозим.

11-§. Бино ва иншоотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

60. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

61. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг микроиқлими (ҳарорати, нисбий намлиги, хавонинг ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) ГОСТ 12.1.005-88 талабларига жавоб бериши керак.

62. Мунтазам ишлашга мўлжалланган иш жойларининг нам хоналарида ҳамда иссиқ ўтказувчи полларида (бетонли, фиштли, плитали ва бошқалар) ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.

63. Пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар ва чанглардан осон тозаланадиган бўлиши керак.

64. Бинога транспорт воситаларининг кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

65. Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очиқ ҳолатида махсус мосламалар билан мустаҳкам тутиб турилган бўлиши керак.

66. Таълим муассасаларида бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

67. Бинолар бир йилда бир марта таълим муассасаси раҳбари тасдиқлаган комиссия томонидан техник кўриқдан ўтказилиши лозим. Техник кўриқ хулосалари уларда топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва муддати кўрсатилган далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.

68. Ходимлар ва ўқувчи-талабалар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Хавфли худудларда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳалокат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилиши, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ўқувчи-талабалар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

69. Кириш ва чиқиш йўллари, коридор, тамбур, нарвонлар турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилмаслиги лозим. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши лозим.

70. Таълим муассасасининг ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналари ёнғиндан хабар берувчи ва ёнғинларни бартараф этувчи автоматик қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

12-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар

71. Шамоллатиш ва иситиш тизими ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

72. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши лозим.

73. Ўтиш жойларида жойлашган иситиш жихозлари рухсат этилган ўтиш йўлакларининг энини камайтирмаслик лозим.

74. Иш жойларида ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда 21⁰ С, ўртача оғир ишда 17⁰ С ва оғир ишда 16⁰ С дан паст бўлмаслиги керак.

75. Ходимларнинг исиниши учун хоналардаги ҳарорат 22⁰ С дан кам бўлмаслиги керак.

76. Исиниш хоналаригача бўлган масофа биноларда жойлашган иш жойларидан 75 м дан, бино ташқарисидаги иш жойларидан эса 150 м дан кўп бўлмаслиги лозим.

13-§. Шовқин ва тебранишга қўйиладиган талаблар

77. Иш жойларида, хоналарда ва таълим муассасаси ҳудудида шовқин ва тебранишнинг даражаси СанҚваМ 0120-01 «Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария меъёрлари», СанҚваМ 0122-01 «Иш жойларида умумий ва локаль тебранишнинг санитария меъёрлари», ГОСТ 12.1.003-89 «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари» ва ГОСТ 12.1.012-90 «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

78. Иш жойларида шовқин ва тебраниш даражаси мунтазам назорат қилиб турилиши керак. Агарда у белгиланган меъёрлардан юқори бўлса, уни пасайтириш учун қуйидаги ишлар қўлланилиши лозим:

деталларнинг зарбали ҳаракатларини зарбасиз ҳаракатларга, илгарилма-қайтма ҳаракатларни айланма ҳаракатларга ўзгартириш;

шовқин чиқарувчи агрегат ёки унинг айрим қисмларига шовқинни тўсувчи қобиклар ўрнатиш;

агрегатдан чиқаётган аэродинамик шовқинларга қарши самарали товуш сўндиргичлар қўллаш;

шовқинли ускуналарни (паррақлар, компрессор) тўсилган хоналарда ёки ишлаб чиқариш хоналаридан ташқарида жойлаштириш;

тебранишни камайтириш учун, унинг манбалари (электр двигателлар, паррақлар ва бошқалар) полдан ва бинонинг бошқа конструкцияларидан изоляцияланган мустақил пойдеворларда ёки махсус ҳисоблаб чиқилган амортизаторларга ўрнатилиши керак.

79. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқинни техник воситалар билан бар-тараф этишнинг иложи бўлмаса, эшитиш аъзоларини яқка тартибда химоя қилувчи воситалардан ва шовқинга қарши каскалардан фойдаланиш керак.

14-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

80. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Би-

ноларнинг ички сув қувири ва канализацияси» талабларига мос бўлиши керак.

81. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қувирига уланган фаввора-чалар, сув қувурлари бўлмаганда махсус идишларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

82. Ичимлик сувининг ҳарорати 8° С дан 20° С гача бўлиши керак.

83. Таълим муассасаси ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ сув ва канализация тизимига уланган бўлиши лозим.

84. Таълим муассасасида канализация тизими йўқ бўлганда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда таълим муассасасида ер қатламини ифлослантирмаган ҳолда душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмалари ахлат ўраларининг мавжуд бўлишига рухсат этилади.

15-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

85. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш хоналарини табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мос бўлиши лозим.

86. Ёритиш воситалари тоза ва соз ҳолатда бўлиши керак. Ёруғлик тушувчи ойналарни йилида камида икки марта тозалаш лозим.

87. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни турли предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) билан тўсиб қўймаслик лозим.

88. Сунъий ёритиш умумий ва бирлашган тизим орқали амалга оширилади. Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

89. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш хоналарида портлаш бўйича хавфли газ концентрацияси йиғилиб қолиши эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими хонадан ташқарида ўрнатилиши керак.

90. Хавфлилик даражаси юқори бўлган хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёриткичлар ишлатилиши керак. Ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)нинг ички сиртини ёритиш учун ишлатиладиган кўчма электр ёриткичларнинг кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак.

91. Кўчириб юрилувчи ёриткичлар шишали ҳимоя қопқоқлари ва металл тўр билан жихозланган бўлиши лозим. Ушбу ёриткичлар ва бошқа кўчириб юрилувчи аппаратлар учун мис толали эгилувчан кабель ва электр ўтказгичлар қўлланиши керак.

92. Эвакуация йўлаклари ва зинапояларда авария ёриткичлари бўлиши лозим.

93. Авария ёриткичлари бошқа ёриткичлардан тури, ўлчами ва махсус туширилган белгилари билан ажралиб туриши ва вақти-вақти билан чангдан тозаланиб турилиши лозим.

94. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларининг уланиши тақиқланади. Авария ёритилишларининг созлиги ҳар чоракда камида бир марта текширилиши лозим.

16-§. Маиший иморатларга қўйиладиган талаблар

95. Таълим муассасалари маиший ва овқатланиш хоналари, тиббий пунктлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

96. Кийим алмаштириш ва ювениш хоналари, ичимлик суви таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу каби қурилмаларнинг сони таълим муассасаларининг умумий контингент сони ҳисобига олинган ҳолда белгиланиши лозим.

97. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

17-§. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

98. Таълим муассасаси атроф муҳитнинг (ҳаво, тупроқ, сув хавзалари) ифлосланишига ва зарarli омилларнинг тегишли нормалардан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги лозим.

99. Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда атроф муҳитни чиқиндилар (оқова сувлар, шамоллатиш тизими чиқиндилари ва бошқалар) билан ифлосланиши эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

100. Таълим муассасаларида чиқиндиларни йиғиш учун атрофи ўралган махсус жой ажратилиши ва чиқиндилар учун махсус идишлар билан таъминланиши ва ушбу идишлар бўшатиладиган сўнг хлорли оҳак эритмаси билан дезинфекция қилиниши ва ювилиши керак.

18-§. Меҳнат ва дам олишга қўйиладиган талаблар

101. Ходимларнинг иш вақти, шу жумладан қисқартирилган иш вақти, дам олиш ва танаффуслар вақти таълим муассасаси раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

III боб. Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёт хоналарида бажариладиган ишларга (технологик жараёнларга) қўйиладиган хавфсизлик талаблари**1-§. Умумий талаблар**

102. Ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ГОСТ 12.3.002-75 «Ишлаб чиқариш жараёнлари. Умумий хавфсизлик талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.

103. Ишлаб чиқариш хоналаридаги технологик жараёнларининг хавфсизлиги қўйидаги талабларни амалга ошириш орқали таъминланади:

ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш тартибидаги технологик жараёнларни (иш турларини), иш усуллари ва режимларини қўллаш;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг тарқалишини чекловчи воситаларни қўллаш;

ишлаб чиқариш жараёнлари атроф муҳитнинг (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва зарарли омилларнинг тегишли меъёрларидан ортик даражада тарқалишига олиб келмаслиги шарт.

104. Технологик жараёнларни амалга оширишда иш бажарадиган дастгоҳ ва механизмлар кетма-кетлиги блокировка тизими билан таъминланган бўлиши зарур. Авария ҳолатида бирор бир механизм тўхтаб қолса, барча дастгоҳ ва механизмларнинг тўхташи назарда тутилган бўлиши керак.

105. Ускуна ва автоматлаштирилган тармоқларда улар ишга туширилганлигини билдирувчи овозли ва ёруғлик сигналлари бўлиши керак. Сигнал элементлари (электр қўнғироқ ва ўчиб-ёнувчи лампа) механик бузилишлардан химояланган бўлиб, хизмат кўрсатувчи ходимлар эшитадиган даражада бўлиши лозим.

Линияни тўхтатгандан сўнг, овозли ва ёруғлик сигнали бермасдан уни ишга тушириш тақиқланади.

106. Технологик жараёнлар соз асбоб-ускуналар ва назорат-ўлчаш асбоблари, химоя тўсиқлари, блокировкалар ҳамда ишга туширувчи аппаратлари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши лозим.

2-§. Ёнғин ва портлашга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

107. Ишлаб чиқариш жараёнлари ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва олиб боришда ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари» ва ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва мазкур Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

108. Ишлаб чиқаришда синалмаган ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда токсик хусусиятларга эга бўлган моддалар ва материалларни қўллаш тақиқланади.

109. Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, захарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит унинг чиқиндилари (оқова сувлари, шамоллатиш чиқиндилари ва бошқалар) билан ифлосланиши эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

110. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналари дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

111. Шамоллатиш тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши керак.

112. Ёнғин сув манбаи йўлаклари ҳамда ёнғинни ўчириш воситаларига борадиган йўлаklar доимо бўш бўлиши керак.

113. Портлашнинг олдини олиш учун машина ва агрегатларнинг ишқаланувчи қисmlарини қизиb кетишига йўл қўймаслик лозим.

114. Аралашганда портловчи модда ҳосил қилиши лозим бўлган газларни умумий коллекторга чиқариш тақиқланади.

115. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш хоналари учун ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

116. Ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар билан ёнғин хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказилиши ҳамда уларга ёнғиннинг олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши керак.

117. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш хоналари, омборхона ва ёрдамчи биноларнинг кўринарли жойларида ёнғин хавфсизлиги хизматининг телефон рақамлари ёзилган эслатма ёзувлари бўлиши керак.

118. Архив, омборхона ва ҳаво алмаштириш ускуналари ўрнатилган хоналарнинг эшиклари ёнғинга чидамли қилиб ишланган бўлиши керак.

119. Таълим муассасаси биноларининг ҳар бир қаватида ёнғин содир бўлганида ходимларни, ўқувчи-талабаларни ва моддий бойликларни қутқариш чизмаси ўрнатилиши шарт. Чизмада хоналар, йўлаklar, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, телефон жойлашуви, ходимлар ва ўқувчи-талабаларнинг фавқулodда ҳолатда захира чиқиш йўлларида ҳаракат қилиш йўналишлари кўрсатилиши лозим.

120. Бинода қуйидагилар тақиқланади:

ертўлада ёнувчи суюқликлар, газ сифимлари, портлаш хавфи бўлган моддаларни сақлаш;

чордоқларда, техник қаватларда, венткамералар ва бошқа техник хоналарда асбоб-ускуналарни сақлаш;

захира чиқиш йўллари деворларига, шифт ва полларига енгил ёнувчи материаллар билан ишлов бериш, бўяш, шунингдек зинапоялар ва улар олдидаги хоналарга ёнувчи қурилиш материалларидан ишлов бериш, ёғоч панеллар билан безаш ҳамда турли қўшимча хизмат хоналарини қуриш;

хоналардаги электр иситкич асбоблар, компьютер ва ёрдамчи асбоб-ускуналарни электр тармоғига уланган ҳолда қолдириш;

электр асбоб-ускуналар ва жихозлардан фойдаланишдан аввал уларни техник йўриқномада келтирилган фойдаланиш қоидалари билан танишиб чиқмасдан ишлатиш.

121. Ёнғин ўчириш воситаларидан хўжалик ишларини бажариш мақсадларида фойдаланиш тақиқланади.

122. Таълим муассасаси биноларида ўрнатилган ички ёнғин ўчириш жўмраклари сув тармоғига уланган бўлиб, махсус ёнғин қутилари ичида жойлаштирилиши керак. Енг ва дастаклар ёнғин ўчириш ички жумрагига улаб қўйилган бўлиши керак.

123. Ёнғинга қарши сув ҳавзалари доимо соз ҳолатда, ичидаги сув ҳажми ёнғинни ўчириш учун етарли бўлиши керак. Сув ҳавзаларининг ишга

яроқлилиги йилига камида икки мартаба, баҳор ва куз мавсумларида текширилиши лозим.

3-§. Электр қурилмаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

124. Таълим муассасаларида электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ҳамда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда) ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.

125. Электр энергиясидан фойдаланишда таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан муҳандис-техник ходимлардан электр хўжалиги учун жавобгар ходим тайинланган бўлиши ва бу ходим электр хавфсизлиги бўйича тегишли малака гуруҳига эга бўлиши шарт.

126. Электр хўжалиги учун масъул ходим кучланиши 1000 В ва ундан юқори бўлган электр ускуналарга хизмат кўрсатиши учун электр хавфсизлиги бўйича V малака гуруҳига, кучланиши 1000 В гача бўлган электр ускуналарга хизмат кўрсатиш учун эса IV малака гуруҳига эга бўлиши талаб этилади. Масъул ходим даврий равишда ва ўрнатилган тартибда электр хавфсизлиги бўйича таълим муассасасида тузилган комиссияда билим синовидан ўтиши шарт.

127. Электр токи ўтказувчи қисмлар, тақсимловчи қурилмалар, аппаратлар ва ўлчаш асбоблари, шунингдек турли сақловчи қурилмалар, рубильниклар ва бошқа ишга туширувчи аппаратлар ва мосламалар фақат ёнмайдиган асосларда монтаж қилиниши лозим.

128. Юқори намлик ва иссиқлик ажралиб чиқувчи хоналарда электр ёритқичлар намликдан, электр двигателлари эса суюқлик сачрашидан ҳимояланган бўлиши шарт.

129. Тақсимловчи қурилмалар изоляциясининг қаршилиги ва чидамлиги текшириб турилиши лозим.

130. Ишлаб чиқариш ва маиший хоналарда қўлланивчи люминесцент ёритқичлар ёпиқ ҳолда, намлик ва чанг ўтказмайдиган махсус арматура билан қопланиши лозим.

131. Кабеллар ва электр ўтказгичларнинг изоляцияси, ташқи бирикмалар, электр токдан ҳимояловчи ерга уланган симлар, электр двигателларнинг ишлаш режими кўрикдан ўтказилиши ва асбоблар билан ўлчаш орқали текширилиб турилиши лозим.

132. Ток узатилмагани сабабли ускуна тўхтатилган ҳолларда электр двигателлар ўчирилиши керак.

133. Электр аппаратлари ва агрегатларининг нолга ва ерга улаш симла-

рининг бутунлиги камида олти ойда бир марта текширилиши лозим. Текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

134. Кам қувватли электр лампалари ва асбобларини каттароқ қувватлиларига алмаштириш тармоқ учун йўл қўйилувчи юкланишни ҳисобга олган ҳолда электр хўжалиги учун масъул ходимнинг руҳсати билан амалга оширилиши лозим.

135. Битта электр штепселига бир нечта истеъмолчиларни улаш тақиқланади.

136. Чангларнинг статик электр разрядларидан алангаланиб кетмаслиги учун машиналарнинг филофлари, унинг асосий валлари ва ҳаво қувурлари ерга уланган бўлиши лозим.

137. Ҳаво қувурларининг филтрлари майда катакли металл тўрлар билан ўралган ва ерга уланган бўлиши лозим.

138. Таълим муассасасининг барча турдаги бинолари яшин қайтаргичлар ўрнатилган ҳолда тўғридан-тўғри яшин уришидан ҳимояланган бўлиши лозим.

139. Яшин қайтаргичлар ҳар йили баҳорда текширилиб турилиши ва носозликлари бартараф этилиши лозим.

140. Момақалдироқ вақтида электр ўлчашларни амалга ошириш тақиқланади.

4-§. Курилиш (турлари бўйича) тайёрлов йўналиши касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

141. Дастакли асбоблар (арра, болта, теша, искана, ранда, омбир, очкич, белкурак, эгов, лом, андава ва бошқалар) соз ҳолда дастаси бутун ва мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

142. Амалиёт вақтида ишлатиладиган асбоблар фойдаланишга яроқли, кесувчи қисмлари махсус текширув ва синашдан ўтган, чарх дастгоҳлари муҳофаза соябонлари ва муҳофаза экранлари билан таъминланган бўлиши зарур.

143. Механизациялаштирилган ҳар қандай асбобни оддий ва икки оёқли нарвонларда туриб ишлаш тақиқланади. Электр тармоғига ёки сиқилган ҳаво тармоғига уланган механизациялаштирилган асбобни назоратсиз қолдириш тақиқланади.

144. Ҳар бир механизациялаштирилган жиҳозга хавфсизлик техникаси талаблари, энг кўп юклама ва тезлиги, қўшимча бажариши мумкин бўлган операциялар ва сигналлар тизимига оид маълумотларни йўриқнома тарзида ёзиб қўйилиши керак.

145. Бетон қоришмасини тайёрлаш, ётқизиш ва зичлаш ишларини бажаришда амалдаги меъёрларга мувофиқ ўқувчи-талабаларга махсус кийим ва махсус пойабзал билан таъминланган бўлиши керак.

146. Сувоқ ишларини бажараётганда сувоқчи оҳак ёки қоришма зарраларидан кўзини асраши лозим. Қоришма таркибида организмга зарарли таъ-

сир этувчи омиллар бўлса, ўқувчи-талабалар улардан муҳофазаланиш учун доимо қўлқоп ва бошқа шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

147. Бино ичида пардозлаш ишларини бажараётганда ўқувчи-талабаларга бўёқдан чиқадиган кимёвий ва захарли моддаларнинг хидларидан ҳимояланиш учун улар респиратор, кўзойнак ва зарур ҳолларда противогозлар билан таъминланган бўлиши шарт.

148. Дастгоҳнинг кесиш асбоблари ва ҳаракатланувчи қисмларини қўлда ёки бирор бир буюм билан тўхтатиш тақиқланади.

149. Дастгоҳни бошқариш қисмлари (босиш тугмалар, ричаглар, дасталар) полдан 0,8 — 1,2 м баланд жойлашиши ва дастгоҳчидан узоғи билан 0,6 м масофада унга қўл бемалол кирадиган бўлиши керак. Уларнинг тасодифан ишга тушиш ҳолатларидан олди олинган бўлиши шарт.

150. Дастгоҳ ишлаб турганда уни тузатиш, тозалаш ва мойлаш тақиқланади.

5-§. Тўқимачилик саноати ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси тайёрлов йўналишлари касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

151. Асосий меҳнат операцияларининг бажарилиши кўриш, эшитиш ва ҳаракат анализаторларининг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, тик ҳолатда узок туришни ва диққатни талаб этади.

152. Зарарли факторлар ўқувчи-талабалар организмга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида машғулотларни ҳаво тортгичлари мавжуд бўлган устахоналарда ўтказиш лозим.

153. Иш ўринларида зарарли факторларнинг миқдори белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

6-§. Озиқ-овқат технологияси (турлари бўйича) тайёрлов йўналиши касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

154. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник талабларига жавоб берадиган нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш махсус хоналар (цеҳлар)да, технологик жиҳозлар билан жиҳозланган устахоналарда олиб борилиши керак.

155. Зарарли факторлар ўқувчи-талабалар организмга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида машғулотларни ҳаво тортгичлари мавжуд бўлган устахоналарда ўтказиш лозим.

156. Ўқувчи-талабаларнинг жароҳатланишларини олдини олиш мақсадида ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари меҳнат ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқ ташкил қилинган бўлиши лозим.

157. Технологик жиҳозларнинг жойлашуви (ўрнатишда) оралиғи камида 1 м дан, алоҳида жиҳозлар оралиғи эса 0,8 м дан кам бўлмаслиги лозим.

158. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти хоналарининг микроклими ГОСТ 12.1.005-76 «Иш зонаси микроклими» талабларига асосан таъминланган бўлиши керак.

159. Озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий машғулотларда қатнашувчи муҳандис-педагог, ўқувчи-талабалар тиббий кўрикдан ўтиши шарт.

7-§. Қишлоқ хўжалиги йўналиши касблари амалиётларига кўйиладиган хавфсизлик талаблари

160. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник талабларига жавоб берадиган махсус хоналар (кичик технологик цехлар)да, технологик жиҳозлар билан жиҳозланган устахоналарда олиб борилиши керак.

161. Ўқувчи-талабаларнинг амалиётларини ўтказишга мўлжалланган лаборатория-амалиёт хонаси механик шамоллатиш тизимига эга бўлган, йилнинг совуқ кунларида ҳарорат 14° С дан паст бўлмаган алоҳида бинода жойлаштирилиши лозим.

162. Қишлоқ хўжалик мавсумий иш даврида ишлаб чиқариш амалиёти икки сменада ташкил қилиниши, бунда ҳар бир агрегатга иккита ўқувчи-талаба бириктирилади ва иш вақти бир сменада олти соатдан ошмаслиги керак.

163. Фермер хўжаликларида ўқувчи-талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти гуруҳларга ажратилган ҳолларда иш жойи ва техника билан таъминланган шароитда ташкил қилиниши ва улар билан доимий равишда ишлаб чиқариш устаси шуғулланиши шарт.

8-§. Металларга ишлов бериш механиги касби амалиётига кўйиладиган хавфсизлик талаблари

164. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, цех ва бўлимларда дастгоҳлардан фойдаланишда паст бўйли ўқувчи-талабалар учун бўйига мос ҳолда баландлиги камида 5 — 15 см бўлган оёқ остига қўйиш учун таглик бўлиши лозим.

165. Дастгоҳларни жойлаштиришда ўтиш жойининг қулайлиги кўзда тутилган бўлиши, дастгоҳлар орасидаги масофа 0,8 м дан ва қаторлар орасидаги масофа эса 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

166. Ишлов бериладиган деталларнинг оғирлиги 8 кг дан ва мосламаларнинг оғирлиги 20 кг дан ортиқ бўлганда махсус юк кўтарувчи мосламалардан фойдаланиш керак.

167. Металларга совуқ ҳолда ишлов беришда мойлаш-совутиш суюқликлари қўлланганда ўқувчи-талабаларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

мойлаш-совутиш суюқликлари сачрашини олдини олиш, дастгоҳ, ишлов берилувчи деталлардан ва ишчи асбоблардан оқиб тушишидан ҳимояланиш учун дастгоҳлар экран, шит ва бошқа мосламалар билан жиҳозланган бўлиши;

дастгоҳларни тозалаш материаллари ювилган ва дезинфекцияланган бўлиши ва ундан ўқувчи-талабалар қўлларини артмасликлари;

қўлни минерал мойлардан тозалашда органик эритувчилардан фойдаланмаслик;

мойлаш-совутиш суюқликлари таъсирида терининг яллиғланишини олдини олиш мақсадида рухсат этилган юувчи воситалардан фойдаланиш;

ишдан сўнг устки ва ички кийимларни алмаштириш, душ қабул қилиш ва иш кийимларида уйга кетмасликлари.

9-§. Электроника ва радиотехника тайёрлов йўналиши амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

168. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник талабларига жавоб берадиган ҳамда технологик жиҳозлар билан жиҳозланган устахоналарда олиб борилиши керак.

169. Иш жойини тоза тутиш мақсадида қотишма ва канифоллар махсус идишларга солиниши керак.

170. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётида ўқувчи-талабаларнинг ҳар бири махсус иш столи билан таъминланиши лозим.

10-§. Кимёвий технология, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

171. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларида ўқувчи-талабалар қўйидаги зарарли кимёвий моддалар билан ишлаши тақиқланади:

1-тоифага тегишли (ўта хавфли) моддалар;

концероген моддалар (анил бўёқлари, баъзи металллар — хром, никель, улар бирикмалари, бензол, винилхлорид ва бошқалар);

комулятив моддалар (симоб, қўрғошин ва бошқалар);

узок вақт ишлаш натижасида мутаген, эмбриотроп, гонадотроп ва тератоген таъсирини келтириб чиқарадиган моддалар (бензол ва унинг гомологи, мишяк, хлоропрен ва бошқалар);

тери ва шиллик пардага салбий таъсир этувчи ва ўткир ҳидли моддалар (меркаптанлар, акролеин, ацетальдегид ва бошқалар);

аллергияни қўзғатувчи моддалар (урсол, нитро ва нитрозо аралашмалари ва бошқалар) билан ишлаши.

172. Диплом олди амалиёти чоғида иш ҳажми қўйидагича олиб борилиши лозим:

биринчи ойда конвейрда ишлаганда иш (нормаси) меъёри катталарниқидан 75 — 80 фоиздан кам бўлиши;

тунги сменадаги ишдан озод этилиши.

173. Иш жойларининг ҳавосини янгилашни назорат қилиб туриш лозим.

174. Ишлаб чиқариш амалиётида ўқувчи-талабалар турли таъмирлаш ишларида иштирок этиши ва газ портлаши хавфи бор жойларда ишлаши тақиқланади.

11-§. Кончилик иши тайёрлов йўналиши касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

175. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник талабларига жавоб берадиган ҳамда технологик жиҳозлар билан таъминланган устахоналарда ҳамда ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш шахта полигонларида олиб борилиши керак.

176. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида иш берувчилар ва ишлаб чиқариш таълим усталари томонидан ўқувчи-талабаларнинг организми ишлаб чиқариш шароитларига кўникишларини таъминлашлари лозим.

177. Ишлаб чиқариш амалиётининг биринчи ойида ўқувчи-талабаларнинг ишлаш меъёри, ишчининг ишлаш меъерининг 60 фоизини ташкил этиши, бунда битта ишчи ўрнига иккита ўқувчи-талаба жойлаштирилиши лозим.

178. Шахталарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчи-талабалар шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим ва махсус пойабзал билан таъминланиши лозим.

IV боб. Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналаридаги жиҳозларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

179. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида қўлланиладиган техника, механизм ва ускуналарнинг конструкцияси ва техник ҳолати қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

машина ва механизмларнинг турли тизим ва қисмларининг техник ҳолати уни ишлаб чиқарган завод томонидан қўйилган техник кўрсаткичларига ва ишлатиш бўйича йўриқномасида келтирилган техникавий тавсифлар талабларига тўла мос келиши;

машина ва механизмларнинг барча ҳаракатланувчи ҳамда айланувчи қисмлари (кардан, занжирли, тасмали, тишли узатмалари ва бошқалар) ва бошқа хавфли зоналари хавфсизликни таъминлайдиган ҳимоя тўсиқлари билан тўсилган бўлиши;

машина ва механизмлардаги хавфли зоналар тўғрисида огоҳлантирувчи ёзув ва белгиларнинг бўлиши.

180. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида барча машина ва механизмларда, ишлаб чиқарган завод йўриқномасида берилган рўйхатга асосан, соз ва тўпламдаги асбоб-ускуналар тўлиқ бўлиши шарт.

181. Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида машина ва механизмларнинг конструкциясига ишлаб чиқарган завод йўриқномасида кўрсатил-

гандан ташқари қўшимча жиҳозлар, ишчи қисмлар ва бошқа ўзгартиришлар киритилиши тақиқланади.

182. Чилангарлик ишларида хавфсизликни таъминлашда асбоб-ускуналарни тўғри танлаш, техник ҳолати соз ва уларни ишлатиш қоидаларига амал қилиш лозим.

183. Зарб бериладиган асбоблар (зубило, тешиб ўтгич, керн ва бошқалар) ёриқларсиз, ғадир-будурларсиз, парчинлаб уланган жойларисиз текис қисмга эга ва қийшаймаган бўлиши керак. Уларнинг ишлатиладиган учлари шикастланган бўлмаслиги керак.

184. Зубило 150 мм дан калта бўлмаслиги, унинг тортилган қисмининг узунлиги 60 — 70 мм бўлиши керак. Зубилонинг ўткир учи 65° — 70° бурчак остида чархланган, кесувчи қирраси тўғри ёки салгина дўнғроқ чизик кўринишида бўлиши, шунингдек қўл билан ушланадиган жойдаги ён чеккаларида ўткир қирралар бўлмаслиги керак.

185. Чилангарлик болғалари ва бошқа зарб бериладиган асбобларнинг дасталари қаттиқ ва қайишқоқ (қизил, қора қайин, ёнғоқ, граб, қайин ва бошқалар), кўз ва буралмаларсиз, силлиқ юзали курук ёғочдан ясалган ва пўлат поналар билан поналанган бўлиши керак. Юмшоқ ва йирик қатламли дарахт турлари (арча, қарағай ва бошқалар)дан ясалган дасталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Дасталар тўғри бўлиши кўндаланг кесимида эса овал шаклга эга бўлиши керак.

186. Ёғоч дасталарни кийдириладиган ўткир учлари бўлган эгов, шабер ва бошқа асбобларни дастасиз ишлатиш тақиқланади. Даста дарз кетмаган ва силлиқ бўлиши, унинг бўйни металл халқалар билан маҳкамлаб қўйилган бўлиши лозим.

187. Металларни асбобларда кесишда ҳимоя кузойнагларида фойдаланиш керак.

188. Верстакга тешикнинг диаметри 3 мм дан катта бўлмаган ва баландлиги 800 мм бўлган ҳимоя тўри қўйилиши лозим.

189. Барча қўзғалмас ускуналар, агрегат ва дастгоҳлар ишлаб чиқарган завод кўрсатмасига биноан мустаҳкам асосларга ёки пойдеворларга ўрнатилиши лозим.

190. Барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлар (валларнинг чиқиб турган учлари, ҳаракат узатувчи тасмалар ва бошқалар) тўсилган бўлиши керак.

191. Тўсиқлар мустаҳкам, енгил, ишончли равишда маҳкамланган бўлиши ва қисиб қолувчи тирқишлари, кесиб олувчи ва ўткир бурчаклари бўлмаслиги керак. Оғирлиги 5 кг дан ортиқ бўлган тўсиқлар ушлаш учун қулай дастакларга эга бўлиши керак.

192. Ўзидан чанг ва ҳар хил қириндилар чиқарувчи ишлаб чиқариш ускуналари зичлаб беркитилиши ва чанг хавони сўриб олувчи мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

193. Қайта ишлов берувчи асбобни кесувчи қисмининг (арра пичоқ, фреза ва бошқалар) худудида блокировка қилинган қўзғалмас тўсиқ бўлиши лозим.

194. Арраловчи рамага 70 мм дан кичик кенгликдаги арра қўйилишига

рухсат этилмайди. Диск арраларининг ва арра полотносининг ён томондаги юзаси текис ва ёриқсиз бўлиши лозим.

195. Кўп шпинделли пармалаш дастгоҳларида парманинг тўсиқларидан асбобнинг ишчи қисми кўринадиган бўлиши лозим.

196. Узатиш механизмларини юборувчи қисмлари (занжирлар, итарувчи тирговичлар, гусеницалар, ушлаб олувчилар, сиқувчилар ва бошқалар) ишончли ушлаб қолиш ва сиқишни таъминлаши керак.

197. Фрезер, фуговал, лентали арра, думалок арра, мураккаб ва бошқа ёғочга қайта ишлов берувчи дастгоҳлари механик узаткичга эга бўлмаса, авто узатувчи билан жиҳозланган бўлиши лозим.

198. Дастгоҳни ҳаракатланувчи қисмлари (каретка, аравача, салазка, рамка, столни суппорти) белгиланган чегарадан чиқиб кетмаслиги учун унда тирговучлари ёки ҳаракатини чегараловчи ўчиргичлари бўлиши лозим.

199. Ишлаб чиқариш хоналарида ва иш жойларида ишлаб чиқариш усуналарини жойлаштирилиши хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хавф туғдирмайдиган бўлиши лозим.

200. Ёғоч ва металлга ишлов бериш устахонасида сунъий ёритилганлик даражаси люминесцент лампа — 300 lk, чўғланма лампа — 200 lk, тикувчилик устахонасида люминесцент лампа — 400 lk, чўғланма лампа — 300 lk бўлиши лозим.

V боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

201. Мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи таълим муассасалари зиммасига юклатилади.

202. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

VI боб. Яқуний қоида

203. Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси «Давархитекқурилиш» қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўрта махсус, касб хунар таълим маркази ва «Ўзстандарт» агентлиги, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган.

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2013 йил 25 март

237-модда

— 74 —

18 (570)-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2013 йил 25 март

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2013 йил 25 март

*Олий ўрта махсус
таълим вазири*

Б. ХОДИЕВ

2013 йил 25 март

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2013 йил 25 март

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2013 йил 25 март

*Ўрта махсус, касб ҳунар
таълим маркази директори*

Ж. ИСМАИЛОВ

2013 йил 25 март

*«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори*

А. КУРБАНОВ

2013 йил 25 март

*«Саноатгеоконтехназорат»
Давлат инспекцияси бошлиги*

Б. ГУЛЯМОВ

2013 йил 25 март

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиги*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2013 йил 25 март